

Ҳ У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил октябрь ойининг 19 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар суди Ангрэн шаҳри, “Карвон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи судья Р.Рахимжонов,

суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ш.Хамзалиев, тарафлардан давлат айбловчиси Ангрэн шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Қаххоров, судланувчи А.Ахмаджанов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган “ADN BEK-SHOX” адвокатлик бюроси адвокати Д.Дўсмуродовнинг иштирокида, Ахмаджанов Ахмад Рустамжанович (АХМАДЖАНОВ АХМАД RUSTAMJANOVICH)га нисбатан № 1-1104-2301/475-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмаджанов Ахмад Рустамжанович (АХМАДЖАНОВ АХМАД RUSTAMJANOVICH) 29.06.1982 йил Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, (паспорт серия рақами АВ 6729449, 14.05.2017 йил Ангрэн шаҳар ИИБ томонидан берилган, амал қилиш муддати 13.05.2027 йилга қадар) оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта махсус, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур эмас, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган; Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2023 йил 12 июнь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида, 3.000.000 сўм жарима жазоси тайинланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2.850.000 сўм жарима жазоси қолдирилган, жарима жазоси ихтиёрий равишда тўланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар, Карвон м.ф.й., 3/2-дахаси, 6-а-уй, 15-хонадонда яшайди, унга нисбатан муносиб ҳуқ атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ахмаджанов Ахмад Рустамжанович гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглар ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш ва сақлашда ифодаланган жиноятни қуйидаги ҳолатда содир этганликда айбланади.



Жумладан: у 2023 йил 03 август куни соат тахминан 22:38ларда Тошкент вилояти ИИББ 2-минтақавий ҳудуд ППХ ходимлари томонидан, Ангрен шаҳар Карвон мфй., 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳудудида хизмат олиб боришган вақтларида, 10-сонли мактаб орқа томонида, фуқаро Ахмаджанов Ахмад Рустамжанович ўзини шубҳали тутганлиги сабабли, уни ИИБ маъмурий биносига олиб келиб, ёнидаги нарса-буюмлар кўздан кечирилганда, шимининг чап чўнтагидан оқ рангли қоғоз бўлагига солинган ўралган, нам ширали қора рангли тўрт дона думалоқ шаклдаги рангли, ўзига хос ўткир хидга эга бўлган гашиш моддаси бир дона елим идиш борлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 09.08.2023 йилдаги №1061-сонли хулосасида, А.Р.Ахмаджановдан олинган оқ рангли қоғоз пакет ичидаги, бир дона оқ рангли қоғоз ўрам ичидаги 4 (тўрт) дона нам ширали ёпишқоқ, пресланган думалоқ шаклдаги таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган “ГАШИШ” деб аталиши, вазни 0,22 грамми ташкил этиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2018 йилдаги 878-сонли Қарорига асосан “ГАШИШ” Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиши таъқиқланган моддалар рўйхатига киритилган.

Судланувчи Ахмаджанов Ахмад Рустамжанович суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қуйидагиларни, 2023 йил 03 август куни тунда соат тахминан 22:30 ларда яшаш уйи атрофида яъни Ангрен шаҳар Карвон мфй Нур туйхонаси ёнида юрган вақтида қўшниси Парпиев Фахриддин акани кўриб қолгани, шундан сўнг у унга бир иш борлигини айтиб, 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби орқа томонига Фахриддин ака билан ўтишгани, шу вақтда у қўлида бўлган 0,5 литрли елим идиш баклажкадаги сувни бўшатиб, ичига ўзи ёввойи нашадан таёрлаган 4 дона майда думалоқ шаклдаги гашишни солмоқчи бўлиб турган вақтида Ангрен шаҳар ИИБ ППХ ходимлари келиб қолишгани, шу вақтда у чўчиб туриб елим идиш баклажкани ва гашишини турган жойидаги ариқ ичига ташлагани, шу вақтда ушбу ариқда сув бўлмагани, шундан сўнг уларни олдига келиб, Ангрен шаҳар ППХ ходимлари турган жойларидан қимирламасликларини айтиб, олдиларига келишгани, шу вақтда ППХ ходимлари қўл чироқлари билан гашиш ва елим идишни ташлаб юборган жойига чироқни тутиб, улар яъни ППХ ходимлари нималигини, нима сабабда бу қоронғу жойга келганларини сўраб туриб, гашишни ва елим идишни олиб уни ва Фахриддин акани ўзларини хизмат автомашиналарига олиб ўтирғизишиб, Ангрен шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келишгани, шу вақтда икки нафар холислар иштирокида уни олдидаги нарсаларни кўздан кечиришгани, у ўзини ихтиёри билан ушбу 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби орқасида чекмоқчи бўлган гашиш гиёҳвандлик моддасини ўзига тегишлилигини, ўзи ёввойи ҳолда Ангрен шаҳар Хаккарман Эски жигаристон мфй ҳудудида ўтувчи Ангрен дарёсига 2023 йил март ойи охирида балиқ тутишга бир ўзи борган вақтида, сой бўйида ёввойи ҳолатда ўсиб ётган нашани кўриб қолгани, шундан сўнг у нашани қўли билан сидириб олиб, ўша ерни ўзида сиқиб думалоқ шаклга келтириб, нашани ширасини яъни нашада



Ўсимлигидан ажралувчи суюқлигини, яъни шира “чарс”ни бир оқ рангли қоғозга думалоқ шаклга келтириб, ўзи билан балиқ овлаб бўлганидан сўнг уйига олиб кетгани, шу вақтда ушбу нашани балиқ тутишга борган вақтидаги кийим ичида қолиб кетгани, шундан сўнг у кийимларини 2023 йил 3 август куни кўрган вақтида, ўша у нашани ширасини чарсни олиб тайёрлагани турган эканлиги, шундан сўнг у ушбу чарсни тўрт дона майда бўлакка бўлиб, олиб уйдан чиқиб Нур тўйхонаси тарафда 0,5 литрли сув олиб, 10-сонли мактаб орқа томонига ҳаркатланиб турган вақтида Фахриддин акани кўриб қолиб уларга нима қилишларини айтмасдан олиб кетганлигини, шундан сўнг юқорида айтган ҳолат содир бўлгани, Ангрен шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари икки нафар холислар иштирокидан баённома тузиб, уни ёнида аниқланган у чекмоқчи бўлган гашишни далилий ашё сифатида олиб қўйишгани, ундан ҳимоячи иштирокида ва бошқа иштирокчилардан тушунтириш хати олишгани, ушбу моддани таниши Фахриддин акага ўтказиш сотиш нияти бўлмагани, у Фахриддин ака билан бирга 10-сонли мактаб худудига боргунига қадар ҳам Фахриддин акага уни нимага чақирганлигини айтмаганлигини, у Фахриддин акани у билан чекишини ИИБ ходимлари келгунга қадар айтишга ҳам улгурмасидан ИИБ ППХ ходимлари ундан шубҳаланиб олдиға келишгани, ўша куни у ёнидан аниқланган гашишни истеъмол қилишга улгурмасидан ерга ташлаб юборгани, у ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, ёшини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини инobatга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Парпиев Фахриддин Мирзахмедович қуйидагиларни, яъни у 2023 йил 4 август куни соат тахминан соат 22:30ларда маҳалласидаги яъни Ангрен шаҳар Карвон мфй Нур тўйхонаси олдида турган вақтида, уни олдиға таниши Ахмаджонов Ахмад келиб, бир иш борлигини айтиб, маҳалладаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби орқа томонига боришларини айтгани, улар Ахмад билан мактабнинг орқа томонига ўтир турган вақтида, Ангрен шаҳар ППХ ходимлари келиб қолиб, уларни у ерда нима қилиб турганликларини сўраб, олдиларига келиб, ёнларида тақиқланган нарса ва буюмлар бор ёки йўқлигини, ёнларида нима борлигини сўрашган вақтларида, Ахмад эғнида бўлган шимини ўнг чунтагидан кўлиға нимадир олиб ерга ташлаб юборгани, шу вақтда ППХ ходимлари ўзларини ёнидаги чироқлари билан кўришган вақтларида, икки дона қора рангли “чарс” гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда эканлигини аниқлашиб, уни ва Ахмадни ёнини яна текширишганларида, ўнг чунтагининг дастрўмолчасида ҳам ушбу Ахмад ташлаб юборган чарс гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда яна бир дона думалоқ шаклда борлигини аниқлашгани, шундан сўнг ППХ ходимлари уни ва Ахмадни Ангрен шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб кетишгани, шу вақтда Ангрен шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида Ахмадни ёнидаги гашишни ашёвий далил тариқасида баённома тузиб олишгани, шундан сўнг ушбу Ахмадни ёнидан аниқланган чарсни қаердан олганлигини ва 10-мактаб худудига у билан нима қилиб юрганлигини сўрашган вақтларида, Ахмад ушбу чарсни у билан чекмоқчи бўлганлигини айтгани, лекин у пайтда яъни ППХ ходимлари уларни ёнларига келгунга қадар бўлган вақтга қадар у Ахмадни ёнида аниқланган чарсни бор ёки йўқлигини



билмаганлигини, шу билан бирга Ахмадни ёнида аниқланган чарсни гашишни каердан олганлигини ҳам билмаслигини, кейинчалик Ангрен шаҳар ИИБ ходимлари Ахмаддан сўрашган вақтларида, Ахмад ўзи ёввойи наша гиёҳванлик ўсимлигидан таёрлаган эканлигини, у бу нарсани нималиги тўғрисида эшитгани лекин кўрмагани ва чекмаганлигини, шундан сўнг улар бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб беришгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд судланувчи А.Ахмаджановнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўзи ва гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, ашёвий далилларни олиб қўйиш тўғрисида баённома (и.в 6), тушунтириш хатлари (и.в 7-9), № 1061-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси (и.в. 19-21), судга оид наркологик экспертизанинг 742-сонли далолатномаси (и.в 24), далилий ашё ҳақидаги қарор (и.в 26), жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор (и.в 70-71) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Судланувчи А.Ахмаджановнинг илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 3-бандига мувофиқ, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жинойий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жинойий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.

Суд, судланувчи А.Ахмаджановга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, ёшини, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчилигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёвандлик воситасини тури ва миқдорини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

- иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, судланувчи А.Ахмаджановни ёнидан олинган вазни 0,06; 0,07; 0,05; ва 0,04 грамм бўлган



жами 0,22 граммни ташкил қилувчи гашиш моддаларининг ҳаммаси тадқиқот учун сарфланганлигини инобатга олишни;

- жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган ашёвий далил деб эътироф этилган, фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол юқлари мавжуд бўлган бир дона 0,5 литр ҳажмли елим баклажкани ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин тегишли тартибда йўқ қилишни;

- Тошкент вилояти наркология диспансерининг 2023 йил 17 августдаги 742-сонли далолатномасига кўра, А.Ахмаджановда гиёҳвандлик касаллик аломатлари аниқланганлигини ва у тиббий йўсиндаги мажбурий даволашга муҳтож эканлигини инобатга олиб, А.Ахмаджановга жазони ўташ даврида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чорасини қўллашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Ахмаджанов Ахмад Рустамжанович (АХМАДЖАНОВ АХМАД РУСТАМЖАНОВИЧ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ахмаджанов Ахмад Рустамжановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ А.Ахмаджановнинг яшаш хонадони, яъни Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Карвон м.ф.й., 3/2-дахаси, 6-а-уй, 15-хонадон этиб белгилансин ва соат 22:00 дан 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиш чеклансин.

Маҳкум зиммасига қуйидаги:

- жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- гиёҳванд моддалари ва алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Ахмаджановга агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

А.Ахмаджановга озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



48¹-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Ахмаджанов Ахмад Рустамжановичга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораси қўлланилсин.

Ахмаджанов Ахмад Рустамжановичга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораси ижро этиш Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

А.Ахмаджановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган ашёвий далил деб эътироф этилган, фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол юқлари мавжуд бўлган бир дона 0,5 литр ҳажмли елим баклажка тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, судланувчи А.Ахмаджановни ёнидан олинган вазни 0,06; 0,07; 0,05; ва 0,04 грамм бўлган жами 0,22 граммни ташкил қилувчи гашиш моддаларининг ҳаммаси тадқиқот учун сарфланиб юборилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар, жабрланувчилар томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан бошлаб, ушбу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Р.К.Рахимжонов

Аслига тўғри:

Маъсул судья: Рахимжонов Раҳмонберди Камбаридинович

